

ЯҚИН ЎТМИШ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ЗИЁЛИЛАРИ

ПРОГРЕССИВНАЯ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ НЕДАВНЕГО ПРОШЛОГО

PROGRESSIVE INTELLIGENTSIA OF THE RECENT PAST

Жумабоева Динора Мелибой кизи

*Тошкент давлат Архитектура -курулиш университети, III -босқич талабаси,
Мухандислик факултети, ТАКУ betxoventoy@gmail.com*

Аннотация - Мазкур маколада жадиждарнинг миллий маънавиятга санъатга ва адабиётга қўшган ҳиссаси, илғари сурган ғоялари, улар яратган таълим-тарбия мезонлари, усуллари хусусида суз юритилган.

Калит сузлар - жадид, маърифатпарварлик, маънавият, мафкура, менталитет, миллат, миллий мафкура, миллий онг, миллий ғоя, ахлоқ, дoston, театр, пьеса, ҳикоя, поэзия, сценарий, роман, драма, истиқлол, ислолҳат, усул, меъёр.

Аннотация - В данной статье рассматривается вклад современников в национальную духовность, искусство и литературу, выдвигаемые ими идеи, созданные ими критерии и методы воспитания.

Ключевые слова - современность, просвещение, духовность, идеология, менталитет, нация, национальная идеология, национальное сознание, национальная идея, этика, эпос, театр, пьеса, повесть, поэзия, сценарий, роман, драма, независимость, реформа, метод, стандарт.

Abstract - This article examines the contribution of contemporaries to national spirituality, art and literature, the ideas they put forward, the criteria and methods of education they created.

Key words - modernity, enlightenment, spirituality, ideology, mentality, nation, national ideology, national consciousness, national idea, ethics, epic, theater, play, story, poetry, script, novel, drama, independence, reform, method, standard.

«Жадиждар ғоялари янги Ўзбекистон стратегияси билан ҳамоҳангдир»

«Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жадиждар боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар суви билан ҳаводек зарур»[1]

«Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий», «Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадиждар боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари янги

Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир»,— деди президент Ш.Мирзиёев.

Яқин ўтмиш тараққийпарвар зиёлилари тилга олинган пайт бэихтиёр жадидчилар хаёлимизга кэлади. Жадидлар ўзи ким бўлган? - деган саволга ҳеч иккиланмасдан Иймон-эътиқоди бут, халқнинг эмин-эркин, дастурхони тўкин, жаҳондаги тараққий топган халқлар каби маърифатли бўлишини астойдил истовчи илғор гуруҳи жадидлар бўлиб, улар жоҳил руҳонийларга, хонликлардаги бош бошдоқликларга ва мустамлакачиликка қарши эди дэя жаво бэришимиз мумкин.

Улар халқнинг миллий онгини ошириш ва ўзлигини англатишни энг аввало маърифат, илму урфондан қидирди.

Миллат, халқ қайғуси билан яшовчи зиёлилар халқни уйғотишни маърифатдан бошлашга қарор қилди.

Миллати қрим-татар бўлган Исмоил Ғаспирали (1851—1914) жадидчилик ҳаракатининг асосчисидир.

1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактаблари бор эди;

Аср бошида жадидлар зиёлиларининг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидойилик билан киришдилар. Уларнинг бошида М.Бехбудий, С.Айний, А.Авлоний, А.Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққийпарвар инсонлар турар эдилар.

Улар XIX аср охири – XX аср бошида Чор Россияси босиб олган ҳудудларда мусулмон модернист ислоҳотчилари бўлганлар. Улар ўзларини “тараққийпарвар”, “зиёли”лар” деб атар эдилар. Жадидлар аксил-клерикал ҳаракат бўлган, таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жадид” ёки “янги усул”ни татбиқ қилиш ва ривожлантиришга интилган. Умуман олганда, мутаасиб уламо ва руҳонийларига қарши муваффақиятли кураша олган бўлса-да, улар ҳам совет давлатининг қурбони бўлди. Жадидлар маҳаллий буржуазия ва аксил-инқилобий гумашталар сифатида қораланди ва кўпчилиги отиб ташланди. Чунки ҳаракат ичида жиддий мафкуравий келишмовчиликлар ҳам кучли эди.

Ўрта Осиё жадидчилиги етакчиси деб-ном олган Маҳмудхўжа Бехбудий 1903 йилда жадидчиликнинг асосчиси, маърифатпарвар Исмоил Ғаспринский билан учрашди. Бу пайтга келиб, Бехбудийнинг ўз маблағи ҳисобига очилган хусусий мактаблари бор эди. У “Самарқанд” деб аталган газета чоп эттирган Унинг таъсири жуда катта бўлган.

Ўрта Осиёда ҳомийлик ҳаракати яхши ривожланган эди. Тадбиркорлар, бойлар ва савдогарлар орасида жадидларга ҳомийлик қилган кишилар кўп бўлган. Масалан, Саид Азимбоев мактаблар очиш учун махсус жой ажратган, пул берган. Андижон вилоятидан Миркомилбой ҳам пул ажратган. Бундай кишилар жуда кўп бўлган. Улар газеталарга ҳомийлик қилган, чунки ҳомийлик маблағларисиз

газеталарни чоп этишнинг иложи бўлмаган. 1900 йилдан бошлаб, Ўрта Осиё учун нисбатан кўп газеталар пайдо бўлган. Масалан, 1906 йилда Обидов муҳаррирлигида “Тараққий” газетаси нашр этилган, ўша йили Мунавварқори раҳбарлигида “Хуршид”, 1907 – 08 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида “Шухрат” газетаси чиқа бошлаган. Бектемиров “Осиё” газетасига раҳбарлик қилган. Бироқ тез орада мустамлакачилар ҳукумати ўз эксперти Остроумов берган маълумотга таяниб, ушбу нашрларни ёпади. [2]

Остроумов мактаблар ва газеталарни ёпиш учун кўп “жонкуярлик” қилган. Бироқ маърифатпарварликнинг газета ва журналлар чоп қилиш билан ифодаланган янги тўлқини 1913 йили бошланди ҳамда “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Эл байроғи”, “Кенгаш”, “Турон” ва “Ойна” сингари газета ва журналлар дунё юзини кўрди. 1917 йилга келиб, Туркистон мухторияти ўрнатилгач, “Хуррият”, “Нажот”, “Буюк Туркистон” ва энг муҳими, Саид Азимбоевнинг шарофати билан “Тужжор” газетаси пайдо бўлди. Ўша газета жадиждлар учун минбар вазифасини ўтади, ислоҳот борасидаги ғояларини тарғиб қилиш билан янада кўпроқ имкониятлар очиб берди.

Умуман олганда, улар сони 15 та бўлиб, улкан мафкуравий кучга эга эди. 1918 – 1919 йилларга келиб, Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишга рози бўлган жадиждлар фаолият кўрсатган қайсидир газеталар бошқа номлар билан чиқиб турган. Лекин орадан кўп ўтмай ҳаммаси ёпилиб кетган.

1916 йилда Россия империясида “янги усул”га асосланган 5000 дан ошиқ мактаб бор эди. 1917 йилда Туркистонда 102 та жадиждлар мактаби бўлган. Бу мактаблар Европа мактабларига яқин ва таълимни ривожлантиришга ёрдам беради, деб қаралган, лекин тез орада бундай янги мактаблар омма онгига янгиликлар олиб кираётгани ва ёшларнинг саволлари кўпайиб кетаётгани, жумладан, миллий онг уйғонаётгани фаҳмланган. Ва кетма-кет ёпила бошлаган. Бундай мактаблар жуда кўп нарса бераётган эди. Албатта, аҳоли аста-секин ота-она савод чиқариш учун фарзандини 40 кун ўқитиши кераклигини тушуна бошлади, оддий мактабда эса бола 10 йил ўтиради эди.

Жадиждлар мактабларини Европа мактабларига бевосита ўхшаш бўлган, дейиш қийин, лекин уларда ўша мактабларнинг дастлабки намуналари бор эди. Биринчидан, улар парталар билан жиҳозланган эди.

Жадиждлар мактабларида китоблар, кейинчалик эса хариталар бўлган. Бу ўринда дарсликлар нашр қилишда Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқорининг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Дастлаб дарсликлар бўлмаган. Улар Россиядан олиб келинган ва татар мактабларига мўлжалланган бўлган. Исмоил Гаспринский бу масалада катта ёрдам кўрсатган. Жадиждлар сўнгра ўзлари дарсликлар чоп қилишга ўтганлар. Мунавварқори, Бехбудий ва Ҳамзалар кўплаб дарсликлар ёзганлар.

Улар томонидан яратилган қўлланма ва дарсликлар: Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби

Соний», «Хавойижи диния» («Шариат қонунлари тўплами»), «Усули ҳисоб», «Тарихи анбиё», «Тарихи ислом», Абдулла Авлониённинг «Биринчи муаллим» ва Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Қисқа умумий география», «Исломнинг қисқача тарихи», «Россиянинг қисқача географияси» ва бошқалар. Ҳамзанинг “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби”, каби дарсликлари. Фитратнинг “Оила ва оилани бошқариш тартиби” рисоласи Жаҳид адабиёти ва санъатининг ўзига хос хусусиятлари: Агар мумтоз адабиётда дунёвийликка нисбатан диний жиҳат устунроқ бўлган бўлса, жаҳид адабиётида буларнинг ўртасида ўзаро тенглик, яъни диний-дунёвийлик қарор топган эди.

Жаҳид адабиёти мумтоз адабиётдан фарқли равишда Ғарб адабиётидаги роман, эссе, ҳикоя ва бармоқ вазнига асосланган шеърят каби бадиий жанрлар кўринишига эга бўлди. Проза ва публицистика пайдо бўлди.[3]

Жаҳид адабиёти бевосита ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилик мафкураси, миллий-озодлик хусусиятига эга бўлди. Бунда мазмун халқ ҳаётида бевосита ўз ифодасини топди. Бадиий асарлар жонли халқ тилида ёзилди. Ижтимоий фаоллик ва миллий руҳ бу янги адабиётнинг энг муҳим хусусиятига айланди.

Америкалик тарихчи Адиб Холид фикрича, Ўрта Осиё жаҳидчилиги мусулмон модернизми чорчўплари билан маҳаллийлаштирилган эди. Масалан, “Китоби аввал” ёки математика, адабиёт, география бўйича дарсликларни олайлик. Ўқиш китоби, Енгил адабиёт, Албатта, улар қайсидир даражада Россия дарсликларидан ўзлаштирилган бўлиши мумкин, лекин шунга қарамай, бу жуда катта олға силжиш эди.

Жаҳид мактаблари синфларида глобуслар турган. Бу эски миқёслар билан солиштирганда, бутунлай янги нарса эди ва албатта, ажойиб натижалар берган. Жаҳидларнинг кўпчилиги бу тилни яхши билган. Тил концепцияси Беҳбудийнинг “Бир тил эмас, тўрт тил керак” деб номланган мақоласида очиқ берилган, яъни унга кўра, Россия империясида яшаётганимиз сабабли, айниқса, рус тилини билишимиз зарур.

Биз ҳаракатимиз тактикасини ишлаб чиқиш учун қандай бошқарилаётганимизни тушуниб олишимиз шарт. Жаҳид мактабларида рус тили ҳам ўқитилган. Улар Европа адабиётига жуда қизиққан.

Жаҳидлар одамлар онгини ўзгартиришга эриша олдилар. Жамиятни ўзгартиришга ҳаракат қилдилар. Илғор жаҳидлар адабиёт, драматургияга асос солдилар. Туркистонда биринчи театрни ишга туширдилар. Таълимнинг янги шакллари яратдилар. Бу янги маданият эди. Улар – одамлар онгида аёлларга нисбатан оз бўлса-да, ҳурматни кўтаришга ҳаракат қилдилар, чунки асарларида аёлларнинг жамиятни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Абдурауф Фитратнинг оила ҳақидаги китоби асосий қисми аёлга, уни қандай ҳурмат қилиш ва унга қандай муносабатда бўлишга бағишланган. Ўша китобда “Қиз болалар ўқиши керакми?” деган бўлими мавжуд. У китобда Абдурауф Фитрат, инсоннинг интеллектуал ҳолати, оладиган таълими кўп жиҳатдан аёлларга,

оналарга боғлиқ. Унинг ёзишича, эркак тирикчилик учун егулик-ичгулик топиш билан банд, аёл эса эркакдан кўра маълумотлироқ бўлиши шарт, чунки у, асосан, болалар билан шуғулланади.

Дарҳақиқат шундай. Аёллар таълим ривожланганини ва аёллар мактаби бўлганини, уларда аёллар таълим олиб, Шарқ мумтоз адабиёти ўқитилган. Жадидлар таълимоти - уз замонасининг прогрессив таълимоти булиб, у нафакат тараккийпарвар шахслар, балки илгор фикрловчи ёшларни ҳамда барча тараккийпарвар зиёлиларни уз кетидан эргаштира олди. Жадидларнинг Туркистон мустакиллиги учун курашида асосан куйидаги йуналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоги-ни кенгайтириш; кобилиятли ёшларни хорижга уқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш; халкнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат куришни назарда тутган.

Юқорида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг дарсликларини тилга олиб ўтдик. Шу билан бир қаторда мактаб адабиёт дарсликларига киритилган яна бир асарига тўхталсак. Яъни “Падаркуш” пиесаси. Унда билимсизлик, жоҳиллик фожиага сабаб бўлиши кўрсатиб берилган ва ёшлар онгида чин маънодаги инқилоб ясаган. Асар тахлилида кўпчилик болани илмсиз бўлгани учун шундай хато қилган дэб хисоблайди. Агар бола илмсиз бўлса уни тўғри ёлга бошласа бўладию. Балки унга тўғри тарбия бэрилганда бундай бўлмас эди.

Буюк маърифатпарвар Махмудхужа Бехбудийнинг "Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона илми ва фанидан беҳабар миллат бошкаларга поймол булур", [3]

Хар доим бошқани айбдор қилишдан аввал ўйлаб кўрайлик балки айб биздадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1] Ш.М.Мирзиёев. Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида
22-декр 2023 й.

[2] Фалсафа энциклопедик луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси,
Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2010.105-109 бет.

[3] А.Насриддинов. Давр-Буюк Маърифатпарвар Тақдирида."Ўзбекистон
фаласуфлари миллий жамияти" нашриёти. Тошкент 2022.117 бет.

[4] Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Ёшлар нашриёт уйи, Тошкент,
2018, 28 бет.